
Ўзбекистон туманида "Олий таълим ярмаркаси" бўлиб ўтди
Ўзбекистон туманидаги 18-умумтаълим мактабида "Олий таълим ярмаркаси"
ўтказилди.

Ўқувчи-ёшларни олий таълим муассасаларида яратилган имкониятлар билан яқиндан таништириш ҳамда уларни мактабдан кейинги таълимга кенг миқёсда жалб этиш мақсад қилиб олинган тадбир Фарғона вилояти ҳокимлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари каби ҳамкор муассасалар томонидан ташкилланди.

Тадбир давомида вилоятимизда фаолият юритаётган ўндан ортиқ давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари 2 минг 500 нафардан зиёд битирувчи ёшларга ўз кўргазмаларини тақдим этдилар.

2024-12-23 16:11:12